

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА СПОРТ-СОГЛОМЛАШТИРИШ КЛАСТЕРИ ВОСИТАСИННИНГ САМАРАСИ

P. С. Маматқұлов

Тошкент вилояти ЧДПИ «Спорт ва чақириққача ҳарбий таълим» факультети
үқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада спорт-согломлаштириш кластерларининг тарбиявий ахамияти. Жисмоний машқлар ни мунтазам кун тартиби даражасида шуғулланишининг спорт соғломлаштирувчи кластернинг ахамияти, унинг ёшлар усуви организмига ҳамда тарбиясида фойдалари түғрисида соғломлаштириш кластерлари фаолияти юкори самарали балки ёшларнинг турмуш сифатини яхшилаш масаласи эканлиги соғлом турмуш тарзини ташкил этилиши, мақсади ва вазифалари батағсил баён қилинганды.

Таянч сўзлар: Тарбия, спорт-соғломлаштириш кластери, қуюн, иммунитет, спорт, ёш, сув, машқ, кам ҳаракатлилик, мувозанат, маданият, нафас, нафс, сабр.

THE INFLUENCE OF THE METHODS OF THE SPORTS AND WELLNESS CLUSTER ON THE UPBRINGING OF YOUNG PEOPLE

ABSTRACT

The article reveals the educational significance of the sports and health cluster. The importance of the sports fitness cluster, its benefits for the growth of the body and education of young people, the organization of a healthy lifestyle, the goals and objectives of a healthy lifestyle are described in detail.

Keywords: Education, sports and health cluster, rabbit, immunity, sports, age, water, exercise, mobility, balance, culture, breathing, lust, patience.

КИРИШ

Ўзбекистонни 2020 йилгача бўлган даврда узок муддатли ижтимоий-иктисодий ривожлантириш концепсияси доирасида Ўзбекистон хукумати нафакат мамлакат иктисодиётининг баркарор ривожланишига ва ижтимоий-иктисодий кўрсаткичларига эришиш учун максадларни ва устувор

йўналишларни белгилаб берди, шунингдек, ахолининг хаёт сифатини яхшилаш ва минтакаларда туристик ва рекреатсион зоналарни шакллантириш.

Максад. Олий таълим муассасалари бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларида ижтимоий-иктисодий ривожлантириш муаммоларини хал килишда инновацион тадбиркорликнинг бир тури сифатида спорт-соғломлаштириш кластерларини ривожлантириш зарур.

Тарихдан маълумки, ота боболаримиз ўз фарзандларини ҳар томонлама гўзал қилиб тарбиялаб, уларни кўрганда ҳавас қилгудек қадди қоматга эга қилганлар. Бу ҳолатга ҳалқимиз ёшларнинг саломатлиги, кучи, ақлий ва маънавий камолотининг тимсоли сифатида қаралиб инсон жисмининг баркамоллиги даражаси сифатида эътироф этиб келинган. Шунинг учун спорт билан мунтазам шуғулланганда нафс ёмонликларидан тийилиш осонроқ кечади. Спорт ва фойдали илм билан шуғулланилса, ҳаёлга ҳар хил ёмон фикрлар келмайди. Бефойда ишларга сарфланиши мумкин бўлган жисмоний куч спорт машғулотларига кетади, шунинг учун болани ёшлигидан чиниқтириб бориш, уларга замон талаб қиласидиган баъзи муҳим ишларни, спорт турларини, жумладан, сузиш, от миниш, югуриш, тош кўтариш, спорт ва ҳаракатли ўйинлар ҳамда ўзини ҳимоя қилиш усусларини ўргатиб бориш лозим.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Спортнинг ҳаётимизда тутган ўрни бекиёсdir. У инсоннинг руҳан ва жисмонан етук бўлишида катта аҳамият касб этади.

Юриш шуғулланувчи организмига саломатлик бағишлочи энг оддий ва фойдали воситадир. Мумкин кадар кўп юриш ҳамма ёшда ҳам фойдали, аммо кўп юришга ўзини ёшлиқдан одатлантирган маъқулроқ. Кўп юришга ёшлиқдан одатланганлар лоқайдлик деб аталадиган инсон руҳи ва жисмига ўта заарли бўлган одатдан қутилиши илмий назарий исботланган. Аждодларимиз от-улов топилмаганда узоқ масофаларга пиёда йўлга чиққанлар. Улар кўп юрганларидан танлари соғ, қийинчиликларга бардошли бўлишган, ташқи муҳитнинг заарли оқибатларига организмларининг қарши турла олиши юқори бўлган.

Кам ҳаракатлилик (гиподинамия) юрак фаолиятини кучсизлантиради. Натижада юрак-қон томир ва бошқа касалликлар юзага келади. Машқлар орқали қон айланиши тезлашади, миямизга кислород боради, мушаклар кучайиб, бўғимларнинг ҳаракатини таъминлайди, руҳий таранглик йўқолиб,

энергия ортади. Спорт билан шуғулланувчиларда юрак клапанлари ва мусқуллари яхши ривожланиб, унинг ҳажми бошқаларниги қараганда каттароқ бўлади. Ўпканинг тириклик сифими ортади (4500-6500 мл.га етади), нафас олиш ва қон айланиш аъзолари яхши ривожланади. Одатда заифлашган, чиникмаган танада микроблар яшаши ва қўпайиши учун қулай шароит топади. Натижада бундай одам касалланади. Жисмоний машқлар туфайли юрак, буйрак, ўпка ва томирлар кучга тўлади, томирлар кенгаяди ва эластик ҳолатга келади. Шундай қилиб томирлардаги ёғ нисбати, холестерин, шакар ва инсулин пасаяди. Тананинг ёғ нисбати камайса, ўзимизни кучли ҳис этамиз, асаб тизими соғлом бўлади. Хотирани кучайтиришнинг энг муҳим шарти асабларнинг соғлом бўлишидир. Бунинг учун эса бадантарбия билан шуғулланиш лозим. Уй шароитида жисмоний машқлар бажариш ёки бирон спорт тури билан шуғулланиш ҳозирда кенг тарқалган семиришнинг оддий давосидир. Зоро, семириш иш фаолиятини пасайтиради, соғлиқни заифлаштиради. Жисмоний тарбия машқлари кишига кўтаринкилик ва руҳий далда бағишлиайди. Бундай ҳолда ишлар унумли ва соғлиқ жойида бўлади. Агар киши бир кунда 10 дақиқа жисмоний машқлар бажарса, у дақиқасига юрагининг 10 марта уришини “ТЕЖАБ” қолар экан. Бу бир йилда 500.000 мартани ташкил қиласиди. Мана шу йўл билан юрак-қон томир касалликларидан фориғ бўлиш, юракни соғлом қилиш, инфарктдан қутулиш мумкин. Ақлий меҳнат жисмоний меҳнат билан алмаштириб турилса, одам узоқ вақт чарчамайди, иши унумли бўлади. Чунки ақлий меҳнат даврида миядаги қўзғалган марказлар жисмоний меҳнат вақтида дам олади. Чунончи, илм олишда ҳар 40-60 дақиқада 5-6 дақиқа бадантарбия машқлари бажарилса, миянинг зўриқишидан пайдо бўладиган невроз касаллигининг олди олинади.

Жисмоний машқ бажарганда бурун орқали нафас олиб, уни оғиздан чиқаришга одатланиш керак. Бунинг натижасида нафас ҳаракатларида иштирок этувчи қовурғалараро мускуллар ва диафрагма яхши ривожланади, ўпканинг тириклик сифими ортади. Оммабоп бўлган спорт турларига қўйидагилар киради:

Эрталабки бадантарбия машқлари, футбол, сузиш, велосипед ҳайдаш, баскетбол, волейбол, теннис, бадминтон, югуршиш, кураш ва ҳоказо. Спорт билан шуғулланиш билан бирга ўз вақтида дам олиш ва витанминлар билан тўйинган маҳсулотларни меъёрида истеъмол қилиш ҳам лозим. Спорт билан шуғулланишда ёш, жисмоний ҳолат, соғлиқ ва вақтга эътибор бериш керак.

МУҲОККАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шу ўринда сизга тибетликларнинг бадантарбия машқларини тавсия қиласиз. Бу машқлар оддий бўлиб, уларни бажариш учун бор-йўғи 15-20 дақиқа вақт ажратиш керак, холос. Бу машқларни давомли бажариб борганда қоматни яхшиланиши, бардамлик, тетиклик ҳамда одам энергияси ва соғлигининг самарали яхшиланиши кузатилади. Бу машқлардан тибетликлар соғликни мустаҳкамлашда ҳамда доимий ёшлик ва навқиронликка эришиш мақсадида фойдаланганлар. Одам танасида 19 қувват марказлари мавжуд бўлиб, улар айланма ҳаракат қилгани учун гирдоб, «қуюн» деб номланган. Уларнинг асосийлари 7 та бўлиб, бир-бири билан уйғун боғланган.

Ёш, соғлом танада барча қуюн катта тезлиқда бир-бирига мутаносиб ҳолатда айланма ҳаракат қиласи ва бу билан инсон барча муҳим тизимларни ҳаётий қувват билан таъминлайди. Ёш организмда еттига асосий қуюн ва ўн иккита иккинчи даражали қуюнлар гормоник мутаносибликда ҳаракат қилиб, улар битта зич пиллани эслатувчи энергия оқимига эга бўлади. Ўрта ёшли одамда асосий ва иккинчи даражали қуюнлар ўртасидаги гормоник мутаносиблик бузилади ва уларнинг зичлиги камаяди. Бу эса моддалар алмашинувининг бузилишига олиб келади. Халқ орасида кенг тарқалган ибора билан айтганда, бўғимларда, умуртқада туз йиғилишига сабаб бўлади. Кексаларда эса барча қуюнлар қуввати гормоник мутаносиблиги бузилиши, улар энергиясининг камайиши организмда жиддий қарилек томон ўзгаришларга олиб келади. Бу машқларининг бажарилиши ўн тўққизта қувват қуюнларининг гормоник мутаносиблигига олиб келади. Кейинчалик эса уларнинг зичлиги ёш одамларнига яқинлашиб боради. Барча қуюнлар билан танадаги моддалар алмашинув жараёнлари ўртасидаги уйғун мутаносиблик ўрнатилади. Бу эса организмнинг ёшаришига олиб келади. Қўйида сизларга тибетликлар сир тутган бешта машқларини келтирамиз. Албатта, уларни бажаришга ҳаракат қилиб кўринг. Натижаси ҳақида эса бизларга ёзиб юборасиз, деган умиддамиз. Машқларни камида 6-7 ой бажаргандан кейин натижаси ҳақида гаплашсак бўлади.

➤ Тўғри туриңг. Кафтларни пастга қаратган ҳолда қўлларни елка даражасида ён томонга кўтариңг. Қўл ҳолатини ўзгартиргмаган ҳолда оёқларни ҳатлатиб, соат стрелкаси бўйича секин айланинг. Айланиш 3 мартадан 21

мартагача такрорланади. Вакт ўтиши билан айланиш тезлигини ошириш мумкин.

➤ Бу машққа биринчи машқ тугаши билан ўтилади. Дастрлаб елкада ётган ҳолатда нафас чиқарилиб, кафтлар пастга тиради. Шу заҳоти нафас олиб, бош күтарилиб, ияк күкракка босилади ва тос полдан ажралмаган ҳолда оёқ түғриланиб, юқорига күтарилади. Агар оёқларни түғрилган ҳолатда күтариш оғирлик қылса, тиззани бироз эгишга рухсат этилади. Нафас бир неча дақиқа ушлангач, оёқ ва бош секин полга туширилади ва бўшашиб, нафас чиқарилади. Машқ 3 дан 21 мартагача такрорланади.

➤ Дастрлабки ҳолатда оёқ учларига таянган ҳолатда тиззада тик турилади. Тиззалар ва оёқ панжалари елка кенглигиде бўлиб, кафт тоснинг орқа томонига қўйилади. Бош олдинга эгилиб, иякни күкракка босиб, нафас чиқарилади. Бош орқа томонга ҳаракатлантирилиб, қўл белга таянган ҳолда нафас олинади. Машқлар 3 дан 21 мартагача такрорланади.

➤ Дастрлаб полда ўтирган ҳолатда товонлар елка кенглигиде түғрига узатилади, қўл бармоқлари учини олдинга қаратган ҳолда кафтлар билан полга таянинг. Бошни олдинга эгиб, иякни күкракка босиб, нафас чиқарилади. Шундан кейин бошни юқорига күтариб, тана билан бирга горизантал (мостик) ҳолатга келгунча нафас олинг. Барча мушакларни қаттиқ таранглаштиргандан кейин бўшаштириб, дастрлабки ҳолатни эгалланг. Қўллар ҳар доим түғри ҳолатда бўлиб, товон сирпанмаслиги лозим. Машқларни 3 дан 21 мартагача такрорланг.

➤ Дастрлаб пастга қараб ётган ҳолатда кафтга ва бармоқ учиға таяниб тиззаларни ерга теккимасдан орқага эгилинг. Кафтлар ва товонлар орасидаги масофа елка кенглигидан сал кенгроқ. Бош орқага эгилганда нафас чиқарилган ҳолатда бўлинг. Шундан кейин қўллар ёрдамида пастга эгилган ҳолатга келиб, иякларни күкракка босиб, нафас олинг. Таянч ҳар доим панжа ва товонда бўлиши лозим. Машқларни уч тадан йигирма бир мартагача такрорланг. Бу машқлар ҳар куни бажарилиши керак. Биринчи ҳафтада ҳар бир машқ уч мартадан, кейинчалик ҳар етти кунда иккитадан қўшиб борилади. Шундай қилиб, икки ҳафтада ҳар бир машқ бештадан, уч ҳафтада еттитадан такрорланиб, улар токи йигирма бир мартагача кўпайтириб борилади. Машқлар бажарилгач, бўшашиб бир неча дақиқа дам олиш яхши натижа беради ва самараси юқори бўлади. Машқларни қолдирмасликка ҳаракат қилинг. Машқлар факат бир кунгагина қолдирилиши мумкин, икки ва ундан ортиқ кун

қолдирилса, яна бошидан, яъни уч мартадан бошланади. Чунки қуюнлар ҳаракатидаги уйғун мутаносиблик бузилган бўлади. Шуғулланиш вақти тонгдан қуёш тикка келгунга қадар бажарилади, лекин қуёш ботгунча ҳам бажарилиши мумкин. Шуғулланиш оч қоринга бўлгани маъқул. Сув муолажалари машқларни бажаришдан олдин ёки машқлар бажарилгач, 1 соатдан кейин бўлгани маъқул. Барча машқлар бошланиши нафас чиқарилган ҳолатда бошланади. Барча машқлар сериясига, албатта, барча 5 та машқлар кириши ва қатъий белгиланган кетма-кетликда, ўринлари ўзгартирилмасдан бажарилиши лозим. Машқларни 2 ёки 3 га бўлиб ҳам бажариш мумкин. Масалан, 9 марта эрталаб ва 12 марта кечқурун. Лекин бу ўта машаққат ва чарчашга олиб келмаслиги лозим. Бунинг учун ҳар икки уч машқлардан кейин озгина дам олинади. Нафас ростланиб, кутилади ва кейин машқлар давом эттирилади.

ХУЛОСА

Хулоса бу спорт билан мунтазам шуғулланиш узоқ умр кўришнинг энг оддий йўлидир. Киши спорт билан шуғулланганида организми яхши чиниқади, мускуллари тез чарчамайди. Чиниқкан одамнинг нервоэндокрин, юрак-қон томир, нафас олиш ва бошқа ҳаётий муҳим аъзолари ҳамда тўқималарининг иш фаолияти ортади. – спорт машғулотлари одам танасидаги тўқималарнинг тез янгиланиши, унинг ёш, соғлом ва тетик сақланишига сабаб бўлади. Талоқда лимфоцитлар ҳосил бўлиши кўпайиб, организмнинг юқумли касалликлардан ҳимояланиш қобилияти (иммунитет) кучаяди.

REFERENCES

1. Утепбергенов А.К, Шукруллаев Ж.М. Особенности акмеологического подхода и системы дидактического обоснования развития физических качеств у школьников средствами волейбольного. Экономика и социум №3(82) 2021.
2. Ф. Хўжаев, Т. Усманхўжаев. Бошланғич синфларда жисмоний тарбия, ўқув қўлланма. Т., “Ўқитувчи”, 1996.
3. Xudoyberganov J.S. Pedagogik ta’lim innovatsion klasteri taraqqiyoting asosi. Актуалные визуальные современной науки сборник научных трудов 65-68 бетлар. Украина 2020.

4. Xudoyberganov J.S. Kurashchilarning sport mahoratini oshirishda texnik harakatlarini va jismoniy sifatlarining o‘rni. Муғаллим ҳам узлиksиз билимленидиў 127- 130 бетлар Илмий методикалық журнал Нукус 2021 йил
5. Маматқұлов Р.С. Тетиклаштирувчи жисмоний машқларни умумий ўрта таълим мактаблари дарсларида қўллашнинг аҳамияти.// *Вестник КГУ им. Бердаха. № 4 (49) 2020*
6. Маматқұлов Р.С. Features and application of the cluster method of its organizations in lessons in secondary school and higher pedagogical institutions. *International Journal on Integrated Education Email: mamatkulov_r@umail.uz* Volume 3, Issue III, March 2020.
7. Маматқұлов Р.С. Features of formation of readiness of future teachers for innovative activity by means of information technologies International Jurnal on For Advanced Resarch In Science & Tehnologi 2020 Volume 10, Issue 06, Jun 91-95 бетлар.
8. Маматқұлов Р.С . Maktabgacha ta`lim tarbiyalanuvchilarini tarbiyalashda shaxmat o‘yinining ahamiyati (klaster metodi vositasida) «Муғаллим ҳәм үзлиksиз билимленидиў» № 2 Некис — 2020
9. Маматқұлов Р.С . Influence of the sports and wellness cluster method in the physical education of youth. Innovative tehnologica methodikalreseach journal. Volume 2, Issue 6, June, 2021
10. Маматқұлов Р.С . Gender equality in sport: stages of women's sport development in uzbekistan. PalArch’s Journal of Archaeology of Egypt / Egyptology Vol. 18 № 16 (2021 г.):